



Tadqiqot **UZ**



**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**31 YANVAR  
№24**

**CONFERENCES.UZ**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 24-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
9-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
24-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-9**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
24-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-9**

**ТОШКЕНТ-2021**



**УУК 001 (062)**  
**КБК 72я43**

## **"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 24-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 январь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 29 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **5. Давлат бошқаруви**

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



## **22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

## **23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## **24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## **25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ  
ТУТГАН ЎРНИ

|   |    |
|---|----|
| <b>1. Дилмурод Касимов</b><br>ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАШ<br>ФАОЛИЯТИ – БАНК ДАРОМАДИНИНГ МУҲИМ МАНБАИ .....   | 7  |
| <b>2. Саидова Донохон</b><br>ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ<br>ЭТИШ АСОСЛАРИ.....  | 9  |
| <b>3. Абдиев Жасур Акрамович</b><br>БАНКЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ.....   | 11 |
| <b>4. Курбонов Мансур Норбой ўғли</b><br>ТИЖОРАТ БАНКИ ФИЛИАЛЛАР ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ<br>БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ.....  | 13 |
| <b>5. Мадрахимов Муродбек Исмоилович</b><br>МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ<br>АСОСЛАРИ.....  | 15 |
| <b>6. Алмурадov Ойбек Абдуллаевич</b><br>ИСЛОМ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА<br>УЛАРНИНГ ИШЛАШ ТАМОИЛЛАРИ .....   | 17 |
| <b>7. Танташев Ринат Ахмедович, Эшчанов Бахтиёр Рузумбаевич</b><br>ЗЕЛЕНАЯ ЭКОНОМИКА В ОТДЕЛЬНЫХ РАЗВИТЫХ СТРАНАХ, ВОЗМОЖНОСТИ<br>ЕЁ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН..... | 19 |
| <b>8. Куватов Элбек Жўраевич</b><br>АТ ХАЛҚ БАНКИДА КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА АҲОЛИГА<br>ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲОЛАТИ<br>ТАҲЛИЛИ .....           | 22 |
| <b>9. Иброхим Бахромов</b><br>«О РАЗВИТИИ ГОСТЕВЫХ ДОМОВ В УЗБЕКИСТАНЕ».....  | 25 |
| <b>10. Джунайдуллаева Феруза Улугбековна, Салимов Ориф Муслимович</b><br>ОРГАНИЗАЦИЯ РЕКРЕАЦИОННОЙ ЗОНЫ ДЛЯ ТУРИЗМА В БОСТАНЛЫКСКОМ<br>РАЙОНЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ” .....        | 27 |



## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

### ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИ – БАНК ДАРОМАДИНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

**Дилмурод Касимов**  
Ўзбекистон Республикаси БМА тингловчиси  
Телефон: (97) 422-35-75  
bank\_9006@mail.ru

**Аннотация.** Сўнги йилларда Ўзбекистон тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга мўлжалланган кредит маҳсулотлари тури кўпайишига қарамасдан истеъмол кредитлари энг оммабоп кредит маҳсулоти бўлиб турибди. Мазкур тезисда Ўзбекистон тижорат банкларида истемъол кредитлаш фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** истеъмол кредит, Овердрафт, кредитлар портфели, ипотека, банк ликвидлилиги, тўловга қобиллиги

Сўнги йилларда банк тизимини кўллаб-қувватлаш, уни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Банк тизимининг иқтисодиётдаги аҳамитини инобатга олган ҳолда ҳукумат томонидан банк тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эгаллигини ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтириш зарулигини таъкидлаган [1].

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда аҳолига истеъмол кредитлари бериш тартибини амалиётга жорий этаётган кредит ташкилотларининг сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Одатда, уй-жойни танлаш учун вақт чекланган бўлади.

Сўнги йилларда Ўзбекистон тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга мўлжалланган кредит маҳсулотлари тури кўпайишига қарамасдан истеъмол кредитлари энг оммабоп кредит маҳсулоти бўлиб турибди (1-жадвал).

*1-жадвал*

#### Ўзбекистон тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш фаолияти кўрсаткичлари [2]

| № | Кўрсаткичлар              | 2016    | 2017     | 2018     | 2019     |
|---|---------------------------|---------|----------|----------|----------|
|   | Жами кредитлар портфели   | 52603,1 | 110566,2 | 167287,8 | 210029,0 |
|   | Ажратилган кредитлар      | 27562,4 | 49540,5  | 100658,2 | 140762,4 |
|   | Жисмоний шахсларга        | 4698,7  | 6082,0   | 15390,1  | 26477,8  |
|   | Шундан, ипотека кредитлар | 1856,7  | 2628,8   | 4557,2   | 7977,4   |
|   | Истеъмол кредитлар        | 67,4    | 97,2     | 8102,8   | 11108,5  |

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2018 йилда жами 15,4 трлн. сўмга яқин кредит ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич 26,5 трлн. сўмга етган. Бирок, мазкур ажратилган кредитлар таркибида истеъмол кредитларининг улуши 2018 йилда 52,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 42,0 фоизга тушган. Бунга бозорда овердрафт, микроқарз, кредит карта каби янги турдаги кредит маҳсулотларининг таклиф этила бошлаганлиги билан изоҳланади.



2019 йилда Ўзбекистон тижорат банклари томонидан ажратилган истеъмол  
кредитлари таркибий таҳлили [2]

| №  | Истеъмол кредит турлари                   | Қиймати, млрд. сўм | Улуши, % |
|----|---|--------------------|----------|
| 1. | Автотранспорт воситалари харид қилиш учун | 5065,4             | 45,6     |
| 2. | Мебель ва интерьер буюмлари учун          | 268,5              | 2,4      |
| 3. | Маиший техника учун                       | 2419,6             | 21,8     |
| 4. | Тиббий хизматлар учун                     | 7,7                | 0,1      |
| 5. | Таълим кредитлари                         | 157,6              | 1,4      |
| 6. | Овердрафт кредитлари                      | 473,1              | 4,3      |
| 7. | Уй-жойни таъмирлаш учун                   | 259,2              | 2,3      |
| 8. | Бошқа турдаги истеъмол кредитлари         | 2 457,4            | 22,1     |
|    | Жами                                      | 11108,5            | 100,0    |

Хусусан, 2019 йилда ажратилган истеъмол кредитларининг улуши 45,6 фоизни ташкил этган. Шунингдек, Маиший техника маҳсулотлари учун ажратилган кредитлар ҳажми ҳам жами истеъмол кредитлар таркибида асосий аҳамият касб этиб, унинг улуши 21,8 фоизни ташкил этган.

Истеъмол кредитлари, юқорида қайд этилганидек, бир нечта кредитлаш объектларини харид қилиш учун берилади. Шу сабабли, истеъмол кредитларининг таркиби ва динамикасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Мурожаат (2017) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи газетасининг 25 январь сони
2. Аналитик ҳисобот (2019) “Ahbor-Reyting” рейтинглик агентликнинг “Аналитический обзор деятельности коммерческих банков” журналлари, декабрь.



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

Саидова Донохон

Ўзбекистон Республикаси БМА тингловчиси

Телефон: (93) 510-33-99

d.saidova@gmail.com

**Аннотация.** Мазкур тезисда тижорат банкларида депозит операциялари ва аудитини такомиллаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари келтириб ўтилади.

**Калит сўзлар:** *депозит операциялари, ички аудит, ташқи аудит, депозит сиёсати, фоиз сиёсати*

Банклар фаолияти мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун энг аввало улар фаолиятини ички ва ташқи аудит текширувлари орқали доимий назорат қилиб бориш талаб этилади. Аудитнинг мақсади—тақдим этилаётган ҳисоботлар тўғрилиги, хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатини акс эттириш, унинг қонунийлиги ҳамда молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби талабларига мос келишини аниқлашдан иборатдир.

Аудиторлик назорати амалиётда иккига ажратилади: ички ва ташқи аудит. Ташқи аудит ва ички аудит ўртасидаги сезиларли фарқ уларнинг мақоми, асосий вазифалари ва аудиторлик текширувини бажариш муддатига қараб ажратилади. Ички аудит асосан мулкдорлар манфаатларига хизмат қилиб, унинг асосий вазифаси банкнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида мулкдорлар учун ахборот тайёрлашдан иборат.

Депозит операциялари ички аудитининг асосий мақсадлари қуйдагилардан иборатдир:

- омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, банк ўз фаолияти давомида эришган ва мақсад қилган натижаларни сақлаб қолиш;

- тақдим этилаётган ҳисоботларни ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва ишончилигини аниқлаш;

- тақдим этилган ҳисоботлар амалдаги қонунчилик, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларга қўйилган талабларга мувофиқлиги текшириш.

Аудит мақсадлари:

Банк томонидан амалга оширилаётган операцияларни мамлакат қонунчилигига, норматив ҳужжатларига, йўриқномалар ва низомлар талабларига тўғри келишини;

Банк омонат (депозит) шартномалари мавжудлигини ва уларни ҳақиқийлигини текшириш;

Бухгалтерия ҳисобида депозит операцияларини ўз вақтида ва тўлиқ акс эттириш;

Банк депозит сиёсатини баҳолаш;

Депозитлар ҳисобини юритишда Марказий банк мажбурий захира фондига ўтказилаётган маблағларни тўғрилигини баҳолаш.

Омонатлар аудити қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиши керак:

“Фуқорорларнинг банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси;

“Банк ва Банклар фаолияти тўғрисидаги” қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 26 августда 2711-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/11-сон қарорига асосан “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги” Йўриқнома;

Ўзбекистон Республикаси аудитининг миллий стандартлари;

“Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида” Йўриқнома;

• “Ўзбекистон Республикасида Тижорат Банклари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2004 йил 13 августда 773-17 сон билан рўхатдан ўтган;

Банкнинг “Фоиз сиёсати”;

Банкнинг “Депозит сиёсати”;

Банкнинг “Ҳисоб сиёсати”



Омонат операциялари аудити асосан банкнинг ички аудити томонида амалга оширилади.

Бош банк ва филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш Банк кенгаши томонидан тасдиқланган “Аудит хизматининг филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш бўйича текшириш режаси”га асосан амалга оширилади ва ушбу ҳужжат махфий ҳисобланади. Текшириш режасига Бош банк ва унинг барча филиаллари киритилган бўлиши лозим. Филиалларнинг депозит бўйича ахvoli кескин ўзгарган ҳолатларда ёки аудитор томонидан омонат хафсизлигига тахдид аниқланганда текшириш режасига ўзгартириш киритилиши лозим.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли Қарори, 2018 йил 23 март
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2018 йил 26 апрелдаги “Тижорат банклари омонат операцияларини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 26 августда 2711-сон билан рўйхатга олинган



## БАНКЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ

**Абдиев Жасур Акрамович**

Банк-молия академияси тингловчиси

Телефон: (98) 573-07-13

ceo\_bank9006@mail.ru

**Аннотация.** Мазкур тезисда банкларни бошқаришнинг замонавий моделлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Шунингдек, мазкур моделларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда афзалликларига алоҳида урғу берилган.

**Калит сўзлар:** бошқарув модели, дивизион модель, функционал модель, бизнес модел, бозор географияси

Замонавий иқтисодий фанда банк менежментининг бир неча вариантлари (моделлари) ишлаб чиқилган. Бундай моделларнинг энг кенг тарқалган номлари:

Функционал модел;

Дивизион модель;

Бозор географиясига асосланган модель;

Мижозлар гуруҳига йўналтирилган модель;

Комплекс бизнес-модел.

**Функционал модел.** Замонавий таснифга кўра, банк бошқарувининг функционал модели фаолият маҳсулига қараб ишлаб чиқилган. Яъни, у маълум бир маҳсулотга йўналтирилган. Ушбу модел асосида банкда амалга оширилган операцияларга қараб бошқарув тузилмалари ва бўлимлари шакллантирилади.

Ушбу моделнинг камчилик томонлари шундан иборатки, у бошқарув ходимлари со-нини ва маъмурий-хўжалик харажатларни қисқартиришга ёрдам бермайди. Ушбу модел-нинг ҳаддан ташқари консерватизми бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга тезда таъсир кўрсатишга ва уни аниқ ҳисобга олишга имкон бермайди. У юқори квалификацияли, бироқ тор йўналишда ихтисослашган мутахассислар билан ишлашни талаб этади.

**Дивизион модель.** Банк менежментининг дивизион модели фаолият йўналишига асос-ланган ҳолда шаклланади.

Фаолият тармоқлари банк секторининг учта асосий тармоғини - кредитлар, молия ва ка-питал қўйилмаларни англатади. Ушбу соҳаларнинг ҳар бири ўзига хос қонунчиликка эга.

Бундан ташқари, ушбу учта стратегик банк фаолияти йўналишларини ушбу банк фао-лият юритадиган бозор турига (ташқи бозор, ички бозор) қараб ажратиш мумкин.

Кўплаб йирик банклар ташкилий тузилмасини шакллантириш жараёнларини бошқаришда банк шўъбалари ёки филиаллар ва қўшимча ваколатхоналар тузиш орқали ўз фаолиятла-рининг алоҳида йўналишларини ажратиш турадилар.

Ушбу бўлимлар ихтисослашган банклар ёки тор профилли тармоқлар ролини ўйнайди.

**Бозор географияси ва миждозлар гуруҳларига йўналтирилган моделлар.** Бозор географиясига йўналтирилган моделлар асосан универсал банклар учун мўлжалланган бўлади. Улар турли мамлакатлар ва минтақаларда ишлашлари мумкин. Бундай банклар-нинг бошқарув тузилмалари ҳудудий жиҳатдан жавобгарликни талаб қилади.

Ҳар бир минтақада банклар банк шўъбаси ёки филиалларини ташкил қилиши мумкин. Ушбу бўлимлар банкнинг минтақадаги фаолияти учун жавобгар бўлиши керак. Кейинча-лик, бошқарув тузилиши юқорида муҳокама қилинган иккита моделдан бирига мос кели-ши мумкин.

Агар модел миждозлар гуруҳларига йўналтирилган бўлса, унда ҳар бир алоҳида фао-лият йўналиши бўйича, аниқ миждозлар гуруҳига хизмат кўрсатиш учун алоҳида тузилма (бўлинма) шакллантирилади.



1-расм. Банк стратегик бошқаруви учун асосий KPI кўрсаткичлари

**KPI кўрсаткичлари модели.** Банкнинг бизнес модели ишлаб чиқилган ва барча стратегик мақсадлар билан боғланган **KPI** кўрсаткичлари моделини ўз ичига олади. Кўрсаткичлар мувозанатли кўрсаткичлар тизими (BSC/KPI) ҳамда бошқа вазифалар доирасида ишлаб чиқилиши мумкин (1-расм).

Ушбу модел стратегик мақсадлар учун кўрсаткичлар (KPI) нинг тузилиши ва хусусиятларини тавсифлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Егорова Н. Е., Смулова А. М. Предприятия и банки: Взаимодействие, экономический анализ, моделирование: Учебно-практическое пособие. М.: Дело, 2002. 456 с.
2. Исаев Р.А. Банковский менеджмент и бизнес-инжиниринг (2-е издание в 2-х томах) — М.: ИНФРА-М, 2013



## ТИЖОРАТ БАНКИ ФИЛИАЛЛАР ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

**Қурбонов Мансур Норбой ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси БМА тингловчиси  
Телефон: (94) 411-99-77  
m.qurbonov@bk.ru

**Аннотация.** Турли банкларнинг филиал тармоқлари тузилмаси катта фарқ қилиши мумкинлиги ва айрим банкларнинг ўзига хос соҳага йўналтирилганлиги сабабли, филиал тармоқларининг самарадорлигини баҳолаш тизимлари турлича бўлиши керак. Мазкур тезисда тижорат банклари филиаллар тармоғини бошқариш тизими самарадорлигини баҳолаш йўлларига тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** *филиал, балансланган кўрсаткичлар, Интернет-банкнинг, тўлов киосклари, моно-офис, мобил банкнинг, кол-марказ*

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолияти янги мазмун касб этади ва тобора кенгайиб, ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам банклар фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, уларни илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганиб бориш доимо долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади.

Кредит капитал бозори етакчилари бўлган йирик банклар учун энг муҳим вазифалардан бири - бу ҳудудий кенгайишдир. Ҳудудларда йирик банкларнинг мавжудлигини таъминлашнинг энг кенг тарқалган усули - бу ҳудудий тармоқни яратишдир.

Бу борада Президентимиз Мирзиёев [1] ўз нутқида "...банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим.

Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган "лойиҳалар фабрикаси" фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим" деб, таъкидлаган эдилар.

Мижозларнинг мақсадли сегментларига, банк томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг асосий турларига қараб муайян банкнинг стратегик мақсадларига мувофиқ бўлган ҳудудларни танлаш билан бир қаторда, филиаллар тармоғини оптималлаштириш ва унинг сифатини бошқариш вазифаси қўйилиши керак. Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълум бир соҳанинг «заиф» ва «кучли» томонлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Турли банкларнинг филиал тармоқлари тузилмаси катта фарқ қилиши мумкинлиги ва айрим банкларнинг ўзига хос соҳага йўналтирилганлиги сабабли, филиал тармоқларининг самарадорлигини баҳолаш тизимлари турлича бўлиши керак. Бу ушбу соҳада тадқиқотлар ўтказиш ва янги баҳолаш тизимини ишлаб чиқишнинг долзарблигини белгилайди.

Банкнинг филиаллар тармоғини бошқариш марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда, асосий қарорлар банкнинг бош идораси томонидан қабул қилинади: банк операциялари учун тарифларни белгилаш, кредит бериш тўғрисида кредит қарорларини қабул қилиш. Филиал раҳбарларининг ваколатлари чегараланган ва асосан назорат органларининг маҳаллий бўлинмаларига тақдим этиладиган ҳисоботларни тайёрлаш ва имзолаш билан чекланган бўлади. Банк филиалларини бошқаришнинг марказлаштирилмаган тизими, аксинча, филиаллар фаолияти учун жавобгарликни ва ҳуқуқларни ўз директорларига топширишни назарда тутди.

Белгиланган лимитлар доирасида филиаллар кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қиладилар ва унинг ликвидлигини бошқарадилар.

Юқоридаги тизимларнинг ҳар иккаласида ҳам ижобий ва салбий томонлар мавжуд. Аммо ҳар қандай ҳолатда йирик банкнинг ҳудудий тармоғини самарали бошқариш учун банкнинг тармоқ хусусиятларини, миқдорларнинг эътиборини ва миқдорларга тақдим этиладиган асосий хизмат турлари ҳисобга олинган ҳолда, ҳудудий филиалларни баҳолашнинг рейтинг тизимини ўз ичига олган услубий базага эга бўлиш зарур.



Банк бошқаруви бўйича дарсликлар ва мақолаларда кредит ташкилоти даражасини (биринчи навбатда молиявий) ҳисоблаш кўрсаткичлари турлари ва усуллари батафсил кўриб чиқилган, алоҳида бизнес-бирликлар учун ҳисоблаш кўрсаткичларини танлаш ва каскад қилиш масаласига кам эътибор берилган.

#### **Баҳолаш йўналишларини танлаш (баҳолаш истиқболлари).**

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, баҳолашнинг асосий йўналишларини (бизнеснинг баҳолаш истиқболлари) танлаш учун, балансланган кўрсаткичлар халқаро концепцияси (Balanced Scorecard) дан фойдаланиш таклиф этилади, бунда қоида тариқасида молиявий самарадорликка, мижозлар билан ишлашга, технологиялар ва бизнес жараёнларини оптималлаштиришга йўналтирилган 4 та асосий бизнес-истидқболлар танлаб олинади [2].

Танланган назорат (баҳолаш) кўрсаткичлар оралиғига қараб бизнес истиқболларининг бошқа комбинациялари ҳам бўлиши мумкин. Муаллифнинг фикрига кўра, асосий, ташқи ва ички омилларга боғлиқ ҳолда, уларни аниқлашга ёндашувларни батафсил кўриб чиқиш лозим.

#### **Аниқ бир КТ (кредит ташкилоти) мисолида бизнесни марказлаштириш, стандартлаштириш ва рақамлаштириш даражасига қараб баҳолаш кўрсаткичлари рўйхатини аниқлаш**

Сўнгги пайтларда тобора кўпроқ одамлар банк бизнесини рақамлаштиришнинг муқаррар жараёни тўғрисида гаплашмоқдалар, бу операцияларни анъанавий «филиал тармоғи» дан «узoқ каналлар» деб номланган «Интернет-банкнинг», «мобил банкнинг», «кол-марказ», банкоматлар тармоғи ва «тўлов киоскларини» га ташриф буюришда, сотиш агентлари сотиш ва бошқаларда намоён бўлмоқда.

Масалан, Россияда самарали равишда ишлайдиган моно-офис банкнинг мисоли мавжуд бўлиб, у нафақат мижозларга хизмат кўрсатувчи офисларсиз хизмат кўрсатади, балки ривожланишнинг ушбу босқичида, ҳатто ўз банкоматлар тармоғини (Тинкофф Банк) тақдим этади.

Банк офислари мижозлар билан алоқа қилишнинг энг қиммат каналидир. лекин фақат қуйи табақа банклари офисларсиз ишлай олади. Офислар ҳали ҳам зарур. Мамлакатнинг ярмида оддийгина мобил Интернет мавжуд эмас. Шундай тоифа куқаролари ҳали ҳам борки, масалан, ҳарбий хизматчилар, уларга смартфонлардан фойдаланиш таъқиқланади.

Россия амалиётида анъанавий тижорат банкларининг муҳим қисми аллақачон тармоқ офислари сонини оптималлаштиришга киришди. Кўп жихатдан, бу йирик хорижий банкларга, камроқ даражада – Россия банк бозори етакчиларига (Сбербанк, ВТБ) тааллуқлидир ва шу кунга қадар кенг офислар тармоғига эга бўлмаган Россиянинг бошқа банкларига деярли таъсир кўрсатмади [3].

Шунингдек, мутахассисларнинг аксарияти ўрта муддатли истиқболда (3-5 йил) Россиядаги банк идораларининг умумий сони муқаррар равишда қисқаради ва баъзи мақбул даражагача пасайишни давом эттиради, бу минимал зарур «жисмоний алоқа» ни сақлаб туришга имкон беради, деб ҳисоблайдилар.

Рақобатнинг кескинлашиши, бозорнинг тўйинганлиги ва банк бизнесининг рентабеллиги пасайиши шароитида хизмат кўрсатиш сифати кўрсаткичларига тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, вазифаларни марказлаштириш шароитида (филиал тармоғидан бош офиснинг бўлинмаларига ўтиш билан) идоралар маъмуриятлари ва уларнинг ходимларида сифат стандартлари назорати муҳим ўрин тутати. Масофавий хизмат кўрсатишнинг электрон технологиялари тарқалиши шароитида мижозлар банк офисларига жисмоний ташриф буюриш учун камроқ вақт сарфлашни истайдилар [4].

Агар бир вақтнинг ўзида улар узoқ вақт навбатда туришга мажбур бўлишса, кейинги сафар улар бошқа банкка мурожаат қилишни афзал кўришлари эҳтимоли катта.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 й 22 декабрь
2. Молвинский А. Как разработать систему ключевых показателей деятельности. Школа финансового директора, 2006, №10.
3. Серов Е. оценка эффективности кредитных организаций. — LAP LAMBERT Academic Publishing, Saarbrücken, Deutschland / германия, 2012, ISBN: 978--659-22576-5
4. Системный подход и управление развитием в системе стратегического планирования организации: Препринт монографии/А.Ф. Зайнутдинов, О.Н. Сметанина, Р.В. Фаттахов. – Уфа: Изд-во УНЦ РАН, 2009.



## МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Мадрахимов Муродбек Исмоилович**  
Ўзбекистон Республикаси БМА тингловчиси  
Телефон: (97) 456-22-11  
m.madraximov@list.ru

**Аннотация.** Ҳозирги кунда мамбакатимизда “рақамли” банк хизматларини ривожлантиришнинг ўзига хос ҳуқуқий асоси яратилиб бўлди десак, адашмаган бўламиз. Мазкур тезисда масофавий банк хизматларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** масофавий банк хизматлари, рақамли технология, электрон оферта, микрокредитлар

Сўнги йилларда банк тизимини модернизациялаш, банклар фаолиятига ахборот технологиялари ютуқларини жорий этиш, банк хизматлари истеъмолчиларига қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг банк хизматларидан фойдаланишлари оммабоплигини ошириш, масофавий банк хизмат турларини янада ривожлантириш каби муҳим вазифалар белгилаб олинган.

Хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев “Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” дея, таъкидлаб ўтган эдилар.

Ҳозирда банк тизимини эркинлаштириш ва эркин рақобат шароитига мослаштириш кўзда тутилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2018 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли Қарори қабул қилиниши банк хизматларини кўрсатишда мавжуд муаммолар ва банклар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб берди. Жумладан, банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш; банклар филиаллари ва мини-банклар қопланишини ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда банклар филиаллари ва мини-банклари тармоғини кенгайтириш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда мамбакатимизда “рақамли” банк хизматларини ривожлантиришнинг ўзига хос ҳуқуқий асоси яратилиб бўлди десак, адашмаган бўламиз.

2020 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур фармонда Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири сифатида инновацион технологиялардан фойдаланиб масофавий банк хизматларини такомиллаштириш белгиланди. Бу мақсад йўлида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқиш вазифаси юклатилди.

Масофадан хизмат кўрсатишда банкларнинг банкларининг ўзаро ахборот алмашув тизимини ташкил этган ҳолда тўлов тизимини ривожлантириш ва банк амалиётларини реал вақт режимида амалга оширилишини таъминлаш Марказий банкнинг устувор вазифаси сифатида белгилади.

Марказий банк ўзига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йил бошида бир қатор қарорлар ишлаб чиқди. Ана шулардан бири 2018 йил 26 апрелда эълон қилинган “Тижорат банклари омонат операцияларини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарордир. Мазкур қарор тижорат банкларининг депозит амалиётларини такомиллаштиришга қаратилди. Натижада, Ўзбекистон банк амлаиётида “электрон оферта” тушунчаси пайдо бўлди. Бу шуни англатадики, банклар ўз мижозларига масофадан туриб онлайн тарзда омонатлар очиш ва мавжудларини бошқариш имконини беришларига руҳсат берилди. Омонатлар билан боғлиқ барча маълумотлар электрон шаклда шахсий кабинетда олиниши белгиланди.



Шунингдек, 2018 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда тижорат банкларида онлайн валюта айирбошлаш хизмати-ни жорий этиш ҳамда банк томонидан мижозлардан ортиқча ҳужжатларни талаб қилишни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар белгиланди.

Бундан ташқари, яна бир бир қонун лойиҳаси эълон қилинди. Мазкур қонун лойиҳасида “банк хизматларидан фойдаланувчилар билан ўзаро муносабатларда тижорат банклари олдига қўйилган минимал талблар” келтириб ўтилган. Мазкур қонун лойиҳасида Марказий банк онлайн микро-заёмлар (микрокредитлар) беришни йўлга қўйиш, мижозлар учун шахсий кабинет ташкил этиш ва электрон сайтда эълонлар ҳамда янгиликларни узлуксиз янгилаб бориш кабиларни таклиф қилган.

#### Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 й 22 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли Қарори, 2018 йил 23 март
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2018 йил 26 апрелдаги “Тижорат банклари омонат операцияларини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.



## ИСЛОМ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИШЛАШ ТАМОИЛЛАРИ

Алмурадов Ойбек Абдуллаевич  
Банк-молия академияси тингловчиси  
Телефон: (99) 854-14-44  
o.almuradov1444@mail.ru

**Аннотация.** Ислом банк ишининг бош ўзига хос хусусияти судхўрлик фоизидан воз кечишдир. Ҳолбуки, барча ғарб молия тизими умум қабул қилинган фоизларга асосланган. Мазкур тезисда ислом банкларининг бошқа анъанавий банклардан афзалликлари ва асосий хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ислом банки, ислом дарчаси, фоиз, омонат, закот, судхўрлик, мубораҳа, мушорақа

Бугунги кунда ислом банкларида анъанавий банк операцияларининг, деярли, барчаси, яъни депозит, кредит, аккредитив, ҳисоб-китоб, тўлов операциялари амалга оширилади. Улар саноат, аграр сектор, тижорат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига катта маблағлар инвестиция қилмоқда.

Ўзбекистонда ислом банклари хизматларини амалиётга жорий этиш борасида Президентимиз Ш.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳукукий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади” деб, таъкидлаган эдилар [1].

Шундай қилиб ислом банклари ўз мижозларига юқоридаги операцияларни амалга ошириш учун уч хил фоизсиз ҳисоб (счёт)ни таклиф қилади:

1. Жорий ҳисоб. Бу фоиз ставкаси кўйилмайдиган чек ва жамғарма ҳисоби бўлиб, бунда банк мижозлардан кўйилма ва депозитлар бўйича хизмат кўрсатгани учун муайян тўлов олишга ҳақлидир. Агар мамлакатда инфляция жараёни кузатилаётган бўлса, ҳисоб рақамидаги пул маблағларига индексация асосида муайян миқдордаги пул компенсация сифатида тўланади.

2. Инвестицион ҳисоб. Ушбу ҳисоб тури бўйича мижозлар турли операциялар воситасида ўз маблағларини истиқболли лойиҳаларга инвестиция қилишлари мумкин. Албатта, бунда фойда ва зарар, юқорида айтиб ўтилгандек, банк ва мижоз ўртасида шартномага кўра тақсимланади.

3. Кредит ҳисоби. Ислом банклари мазкур ҳисоб орқали талабгор тадбиркорларга ҳамда аҳолининг муҳтож қатламларига фоизсиз қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз (кредит) беради.

Бунда давлатманд мусулмонлар ўз эҳтиёжларидан ҳоли бўлган бўш маблағларини банкнинг кредит ҳисобига қисқа ёки узоқ муддатли депозит сифатида кўядилар. Банк ушбу маблағларни келишилган муддатда тўлиғича қайтаришни кафолатлайди.

